



Ishonch

O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasining nashri // Gazeta 1991-yil 21-martdan chiqa boshlagan // www.ishonch-doverie.uz // e-mail: xatlar@ishonch-doverie.uz

ИСТИҚБОЛЛИ ЛОЙИХАЛАР МУҲОКАМА ҚИЛИНДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти вазифасини бажарувчи, Республика Бош вазири Шавкат Мирзиёев жойларда ижтимоий-иқтисодий ислохотларнинг бориши, sanoat, қишлоқ хўжалиги ва ижтимоий соҳаларда амалга оширилаётган кенг кўламли ишлар билан яқиндан танишиш мақсадида шу йилнинг 24 сентябр куни Навоий ва Бухоро вилоятларига ташриф буюрди.

Шавкат Мирзиёев Навоий вилоятга сафари давомида мамлакатимиз Биринчи Президенти Исрол Каримов қарорларига мувофиқ «Навоийазот» акциядорлик жамиятида амалга оширилаётган йирик лойиҳалар билан танишди. Жумладан, поливинилхлорид (ПВХ), каустик сода ва метанол ишлаб чиқаришга мўлжалланган мажмуанинг қурилиш жараёнини кўздан кечирди. Ушбу sanoat объекти ишга туширилгач, маҳаллий хомашёни чуқур қайта ишлаш асосида 100 минг тонна ПВХ ва 295 минг тонна метанол ишлаб чиқариш ўлаштирилади, каустик сода ишлаб чиқариш ҳажми 71,8 минг тоннага кўпаяди.

Шавкат Мирзиёев аммиак ва карбамид ишлаб чиқарадиган қувватларни барпо этишга қаратилган йирик инвестицион лойиҳанинг амалга оширилиши билан ҳам танишди. Бу ерда яратилган қувватлар йилига 660 минг тонна аммиак ва 577,5 минг тонна карбамид ишлаб чиқаришга мўлжалланган.

Ўзбекистон Президенти вазифасини бажарувчи яна бир муҳим лойиҳа — замонавий энергия тежовчи технологиялар билан жиҳозланган, йилига 500 минг тонна азот кислотаси ишлаб чиқаришга мўлжалланган объектага ташриф буюрди. Янги корхона ишга туширилгач, бу ердаги 50 йил аввал ўрнатилган эски қувватлар олиб ташланади.

Ўзбекистон кимё sanoati ва бутун иқтисодий тизими учун муҳим аҳамиятга эга бўлган бу лойиҳалар Япония, Швейцария, Хитой ва бошқа мамлакатларнинг етакчи компанияларида ишлаб чиқарилган энг замонавий технологиялар ва ускуналар асосида амалга оширилмоқда.

Янги корхоналарда бир минг уч юздан орტიқ иш ўрни яратилади. Мамлакатимиз олий таълим муассасалари ва касб-хунар коллежларида янги технологиялар ва ускуналарни бошқарадиган ёш мутахассислар тайёрланмоқда. Улар хориждаги корхоналарда малака ошириб, ишлаб чиқаришни ишга туширишда иштирок этиши ва шу корхоналарда меҳнат қилиши кўзда тутилган.

Шавкат Мирзиёев Навоий шаҳрида олиб борилаётган ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ишлари билан ҳам танишди. Навоий шаҳри бош режасининг амалга оширилиши муҳокама этилиб, кам таъминланган оилалар учун уй-жой қуриш, маиший қиқиндиларни утилизация қилиш масалалари кўриб чиқилди.

Вилоят бўйлаб сафари чоғида Шавкат Мирзиёев қишлоқ хўжалик ишларининг бориши билан ҳам танишди, пахта далаларини кўздан кечирди. Кармана тумани фермерлари билан суҳбатлашди.

Навоий вилояти фаоллари билан учрашувда худуднинг экспорт салоҳиятини ошириш, пахта ҳосилини йиғиб-териб олиш ва кузги галла экишни самарали ташкил этиш, ижтимоий соҳа объекти ва уй-жойларни кузги мавсумга тайёрлаш, қишлоқ хўжалик маҳсулотларини гамлаш, коммунал хизматлар ва хусусий уй-жой мулкдорлари ширкатлари фаолиятини такомиллаштириш масалалари муҳокама қилинди.

Шу куни Шавкат Мирзиёев Бухоро

вилоятида қурилаётган Қандим газни қайта ишлаш завоидига ташриф буюрди.

Қиймати 2,6 миллиард долларга тенг бўлган ушбу йирик инвестицион лойиҳа Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Исрол Каримов томонидан қабул қилинган 2015 — 2019 йилларда таркибий ўзгаришларни, ишлаб чиқаришни модернизация ва диверсификация қилишни таъминлаш чора-тадбирлари Дастури ижроси доирасида Россиянинг «Лукойл» компанияси билан ҳамкорликда ҳамда Жанубий Кореянинг «Хундай Инжиниринг» ва Сингапурнинг «Энтер Инжиниринг» компаниялари иштирокида амалга оширилмоқда.

Хусусан, лойиҳанинг амалга оширилиши янги юқори технология қувватлар ва замонавий инфратузилмни ишга тушириш ҳисобидан йилига 8,1 миллиард куб метр табиий газ қазиб олиш ва қайта ишлаш, шу асосда харидоригар маҳсулотлар ишлаб чиқариш имконини беради.

Беш ой аввал — жорий йилнинг 18 апрел куни Қандим заводи қурилиши бошланишига бағишланган расмий маросим бўлиб ўтган эди. Ўтган давр мобайнида салмоқли тайёргарлик ва қурилиш ишлари амалга оширилди, жумладан, объектларнинг вертикал лойиҳалаштирилиши, ташқи инфратузилмни тайёрлаш ва барпо этиш якунланди, навбатдаги қурилиш ва монтаж ишлари бажарилмоқда, ишлаб чиқариш мuddати узок бўлган барча ускуналарга бюортмалар берилди.

Заводнинг биринчи навбатини 2018 йилда фойдаланишга топшириш, сўнг қисқа мuddатларда тўлиқ қувватда ишга тушириш режалаштирилган.

Шу ернинг ўзида Ўзбекистон Республикаси Президенти вазифасини бажарувчи Шавкат Мирзиёев «Лукойл» нефть компанияси президенти Вагит Алекперов билан учрашди.

Шавкат Мирзиёев «Лукойл»нинг Ўзбекистон нефть-газ тармоғида қўша инвестицион лойиҳаларни амалга оширишда фаол иштирокини қайд этиб, замонавий технологиялар жалб қилинган ҳолда Қандим газни қайта ишлаш заводи қурилишида олиб борилаётган ишларни ижобий баҳолади.

Ўз навбатида Вагит Алекперов «Лукойл» компанияси Ўзбекистон нефть-газ тармоғида ҳаётга татбиқ этилаётган инвестицион лойиҳалар доирасидаги барча мажбуриятларини ўз вақтида бажаришини қайд этди.

Бугунги кунда «Лукойл» Қандим гуруҳи ва Ҳавзак, Шоди, Қўнғирот истиқболли газ конларини ўлаштириш, Жануби-Гарбий Ҳисор ва Устўрт худудидagi нефть-газ участкаларига ишлов бериш бўйича кенг кўламли ишларни амалга оширмоқда. Биргаликдаги геология-қидирув ишлари доирасида Орол денгизининг Ўзбекистонга тегишли қисмида истиқболли углеводород конлари очилди. Компаниянинг Ўзбекистонда амалга оширилаётган лойиҳаларга киритаётган инвестициялари ҳажми 5,5 миллиард доллардан ошди.

Учрашув чоғида «Лукойл» компанияси билан узок мuddатли ва ўзаро манфаатли ҳамкорликни янада ривожлантиришининг истиқболли йўналишлари муҳокама этилди.

ЎЗА

1 октябр — Ўқитувчи ва мураббийлар куни

Қорақалпоғистонлик Райхон Абдуллаева мактаб остонасига қадам қўйган жажжи ўғил-қизларга бошланғич таълимдан сабоқ беради.



Маҳоратли муаллима

У Амурдө туманидаги 2-умумтаълим мактабида 1999 йилдан бун самарали меҳнат қилиб келмоқда. Ўқувчиларга ҳарф танитиш, уларнинг интеллектуал қобилиятини ўстиришда янгича педагогик услублардан кенг фойдаланади.

— Мамлакатимиз таълим тизимида амалга оширилаётган изчил ислохотлар самарасида ўқиш ва ўқитиш жараёни тубдан та-

комиллашди, — дейди Р.Абдуллаева. — Ёш авлод замонавий шароитларда, ҳеч қимдан кам бўлмаган ҳолда пухта билим эгалламоқда.

СУРАТЛАРДА: Райхон Абдуллаева ўқувчилар билан.

ЎЗА фотомуҳбири Мақсад ҲАБИБУЛЛАЕВ олган суратлар.

Ижтимоий фикр

Халқимизнинг 96 фоизи ўз оиласини мустақкам ва бахтли ҳисоблайди

Халқимиз оилани соғлом авлодни тарбиялаш, ҳаёт абадийлиги, авлодлар давомийлигини таъминлайдиган маънавият кўргони, деб билади. Чунки инсон қалбида маънавиятнинг илк куртаклари, аввало, оиладаги муҳит таъсирида намойён бўлади. Маънавият инсон онгига йиллар давомида она сuti, оила тарбияси, аждодлар ўғити, Ватан туйғуси билан сингиб боради.

Бу жиҳатлар яқинда «Ижтимоий фикр» жамоатчилик фикрини ўрганиш марказининг «Оила ва маънавият» мавзусида ўтказган ижтимоий тадқиқотида яна бир бор ўз исботини топди. Тадқиқотдан мақсад мамлакатимиздаги оилаларнинг барқарор маънавий-ахлоқий қадриятларини, унинг жамиятдаги аънавий ижтимоий тузилма сифатидаги ривожланиш омилларини аниқлаш эди. Бу оила институтини мустақкамлаш, ёш авлодни ҳар томонлама уйғун ривожлантиришда миллий-умуминсоний қадриятларнинг ўрни ва ролини белгилашда муҳим аҳамиятга эга.

Тадқиқотда қатнашганларнинг 94,5 фоизи давлатимиз оилаларини кўлаб-қувватлашга катта эътибор кўрсатаётганини эътироф этган. Давлатнинг бундай эътиборини кўпчилик респондент маънавий-ахлоқий қадриятларнинг моддий бойликларга нисбатан устунлигида кўради.

Тадқиқот жараёнида Ўзбекистон оилаларида ахлоқ шаклланишига энг кўп таъсир қилиши мумкин бўлган омиллар ҳам ўрганилган. Ўзбекистон оилаларининг маънавий-ахлоқий асосларини шакллантиришда оила (86,7 фоиз), маҳалла (52,1 фоиз), таълим муассасалари (48,2 фоиз), ижтимоий муҳит (33,9 фоиз) ва телевидениенинг (29,4 фоиз) устувор таъсири ҳақидаги фикр бир неча йиллик суровлар мобайнида барқарор қолмоқда.

Тадқиқот натижалари оила қуришда ахлоқий йўналишлар барқарор эканини кўрсатди. Масалан, мустақил ва бахтли оила барпо этиш шартларининг кўрсаткичлари ўзгаришсиз қолмоқда.

Улар орасида эр-хотиннинг ўзаро ишончи, бир-бирдан розилик биринчи ўринни оғаллайди. Иштирокчиларнинг фикрича, эр-хотиннинг ўзаро муҳаббати, фарзандлар оила барқарорлиги ва мустақиллигини белгиловчи муҳим омилдир.

Сўровнинг кўрсатишича, мамлакатимиз аҳолисининг мутлақ кўпчилиги (96 фоиз) ўз оиласини мустақкам ва бахтли, деб ҳисоблайди. Халқимиз бахтли оиланинг изчил ўзаро ишонч, муҳаббат асосида қурилган муваффақиятли никоҳда кўради.

Мамлакатимиз аҳолиси ёши катталарга ҳурмат, меҳнатсеварлик, камтарлик, ўзини жамиятда муносиб тутиш ва кекса авлодга эътиборни фарзандларни маънавий-ахлоқий тарбиялашининг устувор йўналиши, деб ҳисоблайди. Сўралганларнинг ҳар иккинчиси оилавий мажбуриятлар ота ва она ўртасида тенг тақсимланган оилаларда юксак ахлоқли ва ҳар томонлама соғлом фарзандлар тарбияланади, деган фикрда.

Ёш авлод ота-оналарининг муҳим қадрият йўналишлари бўйича қарашларига қўшилиши, фарзандлар тарбиясида катталарнинг роли ўсиб бораётганини эътироф этиши ҳам тадқиқотда намойён бўлди. Бу ёшларни маънавий-ахлоқий тарбиялашда бир неча авлод вакиллари яшовчи оилалар салоҳиятидан тўлиқ фойдаланиш мақсадида оила институтини янада мустақкамлашни тақозо этади.

Тадқиқот аксарият оилаларда болаларни юксак маънавий-ахлоқий қондалар руҳида тарбиялашга катта эътибор берилаётганини кўрсатди. Халқимиз фарзандлари онги-қалбига, биринчи навбатда, меҳнатсеварлик, катталарга ҳурмат, ҳалоллик, Ватанга муҳаббат туйғуларини сингдирмоқда. Айни вақтда меҳнатсеварлик, миллий гурур ва ўзликини аниқлаш туйғусини ривожлантириш, кўнгил тозаллиги, камтарлик, диний ва миллий бағрикенглик инсоннинг юксак ахлоқини белгилайди.

Ў(2).

Муносабат

«Меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисида»ги қонуннинг янги тахрири матбуотда эълон қилинди. Таъкидлаш жоизки, мазкур қонунни тайёрлашда қатор вазирликлар ва тармоқ идоралари, йирик sanoat корхоналари, соҳа экспертлари ва олимлари, кенг жамоатчиликнинг таклифлари ҳамда халқаро тажриба инобатга олинди.

Меҳнат муҳофазаси кучайтирилади

Шунингдек, меҳнатни муҳофаза қилиш ва меҳнат хавфсизлиги соҳасидаги ХМТнинг қонунчилик ҳақида Адлия вазирлигида ҳуқуқий экспертизадан ўтказилган.

Яна бир муҳим факт — ушбу қонуннинг амалга оширилиши вазирилик ва ташкилотлар ҳамда бюджетдан қўшимча маблағни талаб этмайди. Унинг янги тахририга халқаро тажриба ҳисобга олинган ҳолда 7 та янги модда қўшилди. Меҳнат хавфсизлиги стандартлари тизимини ҳисобга олиб, меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича 12 та асосий атама ва тушунчалар киритилди.

Қонуннинг асосий қондалари қуйидаги мейёрлардан иборат:

— меҳнатни муҳофаза қилиш соҳасидаги Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг ва бу соҳада давлат сиёсати олиб боришда давлат ва хўжалик бошқаруви органлари ваколатлари белгилади;

— Меҳнат вазирилик — меҳнатни муҳофаза қилиш соҳасида махсус ваколатли давлат органидир, деган тушунча киритилди ва махсус ваколатли давлат органига меҳнатни муҳофаза қилиш соҳасидаги қонун ва қонуности ҳужжатларига риоя этилишини назорат қилиш вазифаси юклатилди;

— меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича жамоатчилик назоратини ўрнатилиши таъминлаш юзасидан талаблар киритилди ва бошқа давлат бошқаруви органларининг меҳнатни муҳофаза қилиш соҳасидаги ваколатлари, шу жумладан, Соғлиқни сақлаш вазирилик ва жойларда давлат ҳокимияти органларининг ваколатлари белгиланди;

Ў(3).



Мўъжизакор қўлларнинг бежирим маҳсулотлари

>> 2



Истеъдод намойиши

>> 4

Оилавий корхона



Мўъжизакор кўлларнинг бежирим маҳсулотлари

Марғилонлик ёш тadbиркор Шерзод Камолов ота касбини давом эттиришга бел боғлаганда оиладагилар унинг бу қарорига монелик қилишмади. Сабаби у болалигидан гилам ва ип-йигирув дастгоҳлари орасида кўзи пишиб, улғайган сари бу хунарнинг сир-асрорини пухта ўзлаштира бошлагани.

2014 йилнинг ёзига келиб у ўзининг хусусий корхонасини очди. Дастлаб мўъжаз гиламлар тўкиб, бозор ҳади-сини олди. Ишчилар сони ҳам шунга яраша — беш нафардан ошмасди.

Хукуматимизнинг оилавий корхоналар ташкил этиш бўйича қабул қилган қарор-

лари ёш тadbиркорга қўл келди. Ахир энди тadbиркор анча-мунча солиқлардан озод этилганда-да! Тежаб қолингана маблаглар янги дастгоҳлар сотиб олишга сарфланди. Иш суръати ва ҳажми йил сайин ортди борди. Бора-бора ишхона торлик қилиб қолди. Шерзод

кўшни Қўштепа тумани ҳокимиятига ариза билан мурожаат қилиб, уйига яқин ҳудудда бўш ётган бинони сотиб олди. Қайта таъмирдан чиқариб, «Мўъжиза кўллар тўқув гилами» оилавий корхонасини ишга туширди.

— Албатта, бошида қийин кечди, — дейди Шерзод. — Аммо дадамнинг маслаҳати ва кўрсатмалари асқотиб, ишимиз юришиб кетди. Кўриб турганингиздек, совға учун гилам ва сифатли бах-мал маҳсулотларимиз қўлда

тўқилади. Бу тўқувчидан юксак дид ва сабр талаб этади. Баъзи гиламларимиз уч-тўрт йил мобайнида тула манзара касб этади. Чунки турли манзаралар ёки нақшларга бурканган гиламларни тўқиш осон иш эмас.

Дарҳақиқат, ўлчами атиги 30x30, 40x80 см бўлган гиламлардаги ранг-баранг суратлар, чиройли нақшларни кўриб хайратга тушасиз. Инсоннинг мўъжизакорлиги-ю, қўли гуллиги-ю яна бир бор таҳсин айта-сиз. Ёш қизларнинг нафосат

билан гиламларга гул чизаётганини кўрсангиз эди! Ўзимизнинг гиламлар ҳозир чет элликларни ҳам маҳлиё этмоқда.

Хомашё маҳсулотлари Намангандаги «Водий ипа-ги» Ўзбекистон — Туркия қўшма корхонасидан сотиб олинапти. Ёш тadbиркор Мустақилликнинг 25 йиллиги арафасида Ўзбекистон касабаси уюшмалари Федерацияси Кенгашининг қарорига мувофиқ ўтказилган «Мустақилликнинг 25 йиллигига — 25 та янги иш ўрни» шiori остида ўтказилган акцияга қўшилиб, 25 нафар коллеж талабасини иш билан таъминлади.

— Касаба уюшма афзалликлари Шерзодбекни ҳам сафимизга қўшди, — дейди Истеъмол товарлари ишлаб чиқариш, савдо ва хизмат кўрсатиш ташкилотлари ходимлари касабаси уюшмаси Фарғона шаҳар кенгаши раиси Камолдин Юсупов. — Амалий ёрдам туфайли тўқувчи қизларга меҳнат ва дам олиш шароитлари яхшиланди. Бу ерда бепул тушлик йўлга қўйилиб, ишга қатнаш учун бепул транспорт қатнови ташкил қилинди.

«Мўъжиза кўллар тўқув гилами» корхонаси келажакда атлас, адрас ва бошқа матоларни ҳам ишлаб чиқаришни, ишчи-ҳодимлар сонини 100 нафарга етказишни режалаштирган.

Абдулхай ЮНУСОВ,
«Ishonch» мухбири

Халқимизнинг 96 фоизи ўз оиласини мустақкам ва бахтли ҳисоблайди

№(1).

Ижтимоий сўров ёшлар ўртасида олий маълумот олишга интилиш ўсиб бораётганини яна бир бор исботлади. Бугун халқимизнинг ўз фарзандларини олий таълим муассасаларида ўқитиш имкониятлари анча ошган. Тадқиқот мамлакатимиз фуқароларининг аксарияти фарзандлари замонавий шахслар бўлиб камолга етаётганига қатъий ишонини кўрсатди.

Мамлакатимиздаги кўпчилик оилалар болаларини жисмоний тарбиялашга катта эътибор беради. Бу ёшларда жисмоний тарбия ва спортга барқарор қизиқиш ҳамда эҳтиёжни шакллантирмоқда. Иштирокчилар давлатимизнинг болалар спортини ва соғлом турмуш тарзини ривожлантириш стратегиясини фаол маъқуллаган. Уларнинг фикрича, бу «Соғлом она ва бола йили» Давлат дастурида ёрқин намоён бўлмоқда.

Сўров иштирокчиларининг мутлак кўпчилиги (96,7 фоиз) оилавий ажримларга салбий муносабат билдирган. Уларнинг фикрича, бу болаларнинг таълим-тарбияси ва келажакига салбий таъсир кўрсатади.

«Оила ва маънавият» мавзусида ўтказилган ижтимоий тадқиқот Ўзбекистон аҳолиси учун оила асосий ҳаётий қадрият ва ёш авлодни тарбиялашнинг муҳим омил бўлиб қолаётганини кўрсатди. Уларнинг фикрича, давлатимизнинг оила институти ривожлантириш борасидаги самарали, тизимли ва изчил чора-тadbирлари, юксак эътибори туфайли оилаларнинг моддий аҳоли ва ҳаёт сифати узлуксиз яхшиланимоқда, уларнинг маънавий-ахлоқий ҳолати мустаҳкамланимоқда.

«Ижтимоий фикр» жамоатчилик фикрини ўрганиш маркази маълумотлари асосида
Уза Мухбири Умид ЁҚУБОВ тайёрлади.

Навоий томонларда

САХОВАТПЕША

Қизилтепа туманилик тadbиркор Жамшид Бердиев мамлакат тараққиётига ҳисса қўшиб келиш билан бирга, саховатпешаликда ҳам ҳурмат қозонган.

У Алишер Навоий номли маҳалланинг «Тинчлик» кўчасида 500 метрдан ортиқ масофадаги йўлга асфалт ётқизди. Бу хайрли ишдан маҳалла аҳли миннатдор.

АЛОҚА СИФАТИ ЯХШИЛАНДИ

Хатирчи туманида 16 км. масофага оптик толали алоқа кабели тортилиб, ишга туширилди.

Алоқанинг узлуксиз ва сифатли ишлашини таъминлаш мақсадида алоқа тармоқларига бир йўла куёш батареялари ҳам ўрнатилди. Ҳозирги кунда мазкур йўналишдаги алоқа тармоқларига уланган абонентлар учун IPTV ва катта тезликдаги интернет хизматлари йўлга қўйилди. Йил охирига чата туманининг бир қатор алоқа тармоқларига ҳам ана шундай кабел тортилиши кўзда тутилган.

ЭКОЛОГИЯНИ АСРАЙЛИК

Навоий шаҳридаги 8-умумий таълим мактабида «Сайёрамизни асрайлик» мавзусида тadbир бўлиб ўтди.

Унда тегишли ташкилот мутахассислари ҳамда ўқитувчи ва ўқувчилар қатнашди. Она табииати асраш, унга оқилона муносабатда бўлиш ҳақидаги иншо ва расмлар танлови иштирокчиларда катта таассурот қолдирди.

ОРАСТА ҚИЗЛАР

Кармана туман маданият ва аҳоли дам олиш масканида виллоят хотин-қизлар ўз муаммоларини, «Соғлом авлод учун» халқаро хайрия фонди виллоят бўлими, маданият ва спорт ишлари бошқармаси, «Оила» илмий-амалий маркази, таълим муассасалари ҳамкорлигида «Ораста қизлар» кўрик-танловининг виллоят босқичи бўлиб ўтди.

Унда шаҳар ва туман босқичларида голиб бўлган «Ораста қизлар» тўғараклари аъзоларининг 8 жамоаси иштирок этди. Танлов якунига қўра, 1-ўринни Зарафшон шаҳри жамоаси, 2-ўринни Учқудуқлик қизлар, 3-ўринни Кармана тумани жамоаси эгаллади. Голиблар махсус диплом ҳамда эсдалик совғалари билан тақдирланди.

Диляфрўза УРОЗОВА,
«Ishonch» мухбири

Танлов

Транспорт, йўл ва капитал қурилиш, қурилиш индустрияси ходимлари касабаси Самарқанд виллоят бирлашган касабаси уюшмаси қўмитаси томонидан ташкил этилган «Ўз касбининг моҳир эгалари» тadbiri голиблари аниқланди.

Голиблар аниқланди

Танловда виллоятдаги тармоқ корхона ва ташкилотларининг 40 дан зиёд ходими қатнашди. Уларнинг ўз касбига бўлган фидойилиги ва ижодкорлиги, вазифаларни сифатлидан бажариши, соҳани ривожлантириш мақсадида олиб бораётган изланувчанлиги, эришган ютуқлари эътиборга молик.

Яқинда Оқдарё туман йўл хўжалик пудрат таъмирлаш-фойдаланиш корхонаси раҳбари Қахрамон Ҳасанов ҳамда Пастдаргом қурилиш технологиялари касб-хунар коллежи махсус фан ўқитувчиси Рустам Мавлоновлар биринчи ўринга лойиқ деб топилди, Республика босқичида иштирок этиш ҳуқуқини қўлга киритдилар.

Сирожиiddин ИЗЗАТУЛЛАЕВ,
Самарқанд виллоят тармоқ бирлашган касабаси уюшмаси раиси

Ўқув-семинар

ИЖТИМОЙ ШЕРИКЛИК

Соғлиқни сақлаш ходимлари касабаси уюшмаси Республика кенгаши ҳамда Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш вазирлиги ўрмасида 2016 — 2018 йиллар учун тузилган икки томонлама Тармоқ келишувининг ижросини таъминлаш мақсадида Тошкент врачлар малакасини ошириш институтида тиббиёт муассасалари раҳбарлари ҳамда захира кадрлари учун ижтимоий шерикликнинг афзалликлари мавзусида ўқув-семинар ташкил этилди.

Тармоқ касабаси уюшмаси Республика кенгаши раиси Ф.Ханнапиев тизимда ходимларнинг ижтимоий-иқтисодий, меҳнатга оид ҳақ-ҳуқуқлари ва меҳнат муҳофазаси ишларини ташкил этишда ижтимоий шериклик масалаларига эътибор қаратди. Тadbир асосида Халқаро меҳнат ташкилотининг Ўзбекистон Республикаси томонидан ратификация қилинган Конвенциялари тўғрисида кенг тушунча берилди. Тасдиқланган дастур асосида Республика кенгашининг меҳнат муҳофазаси бўйича бош мутахассиси З.Алиев, бош юристконсулт С.Иноятуллоев меҳнатни муҳофазаси қилиш ишларини ташкил этиш, жамоа шартномалари орқали ходимларнинг ижтимоий-иқтисодий ва ҳуқуқий манфаатларини ҳимоя қилиш, меҳнат қонунчилиги соҳасида янги қабул қилинган қонун ҳужжатлари ҳамда Меҳнат қонунчилиги асосида меҳнат муносабатларини таъминлаш тўғрисида маъруза қилдилар.

Тингловчиларга Республика кенгашининг бош мутахассислари томонидан тайёрланган ўқув-услубий қўлланмалар, маъруза ва бошқа тарқатма материалларнинг электрон ва босма нусхалари амалиётда фойдаланиш учун тарқатилди ва узлуксиз-масофавий ўқув йўналиши бўйича тингловчилар билан электрон манзиллар алмашилди.


Иштирокчилар мавзуга оид саволларига мутахассислар томонидан тегишли жавоб олишди.

— Ўқув-семинарда иштирок этиб иш фаолиятимиз учун зарур бўлган қўлаб маълумотларни билиб олдик, — дейди Тошкент шаҳар 7-стоматология поликлиникаси бош шифокори Шухрат Қурбонов. — Қолаверса, иш берувчи билан ходимлар ўртасида ижтимоий шериклик тамойиллари ҳақида ҳам кенг тушунчага эга бўлдик.

Ўз мухбиримиз

Кичик бизнес ва хусусий тadbиркорлик

Ёшлар фойдали меҳнат билан банд



Сурхондарё виллояти Узун тумани Янги рўзгор маҳалласидаги «Бехруз меҳнат» кичик корхонасида тайёрланаётган маҳсулотларга талаб ортмоқда. Унга яқин ишчи меҳнат қилаётган корхонада ёшлар уста-шоғирд асосида хунар ўрганмоқда.

— Ички бозорга сифатли ва харидорғир маҳсулотлар етказиб бераётган бундай ишлаб чиқариш субъектларида ёшларимиз фойдали меҳнат билан банд, — дейди ушбу маҳалла фаолларидан Уктам Йўлдошев. — Аҳоли, айниқса, ёшлар бандлигини оширишга ҳисса қўшаётган маҳаллий тadbиркорларимиз сафи тобора кенгаймоқда.

СУРАТДА: (чапдан) ишчилар Абдуваҳоб Жумаев ва Салим Олимов

Ўза фотомухбири
Фарҳод АБДУРАСУЛОВ олган сурат.

«Оналари соғлом — болалари баркамол Ватан!» республика танловига

Аёл — жамият таянчи, фарзанд — оила қувончи

ҲАМКОРЛИК ҚЎЛ КЕЛМОҚДА

Аёлга биринчи навбатда, авлодлар занжири давомчиси — мўътабар она сифатида қаралади ва қадрланади.

Зеро, келажакимиз эгалари бўлмиш фарзандларимизнинг тетик, бардам, билимли бўлиб вояга етиши онанинг ҳам жисмонан, ҳам маънан соғломлигига ва унинг ўз зурриёдага бераётган тарбиясига боғлиқ. Йилимизнинг номланиши замирида ҳам ана шу улғу ҳикмат яширин.

«Соғлом она ва бола йили» Давлат дастури ижросини таъминлаш юзасидан Пешку туманида тузилган чора-тadbирларни синчиқлаб кўздан кечириб, бунга яна бир бор амин бўлдик.

— Дарҳақиқат, дастурдаги кенг қўламли ва-зифаларни амалга ошириш бир ёки икки ташкилотнинг вазифаси бўлибгина қолмай, аҳоли

кенг қатламларининг бурчидир, — дейди туман ҳокими ўринбосари, хотин-қизлар қўмитаси раиси Анна Исмаилова. — Масалан, «Камолот» ЕИХ туман кенгаши, халқ таълими, касабаси уюшмаси, тиббиёт бирлашмаси, хотин-қизлар қўмитаси, «Нуроний» жамғармаси, «Маҳалла» хайрия жамоат фонди туман бўлимлари, Пенсияерлар уюшмаси, қишлоқ, маҳалла фуқаролар йиғинлари биргалашиб оналар ва болалар соғлигини муҳофазаси қилишга доир ташкилий-тарбиявий тadbирларни ўтказмоқдалар.

Ана шундай ҳамкорлик самараси ўлароқ «Гўзал ва бетакроримсан, муқаддас Ватаним, жоним сенга фидо, Ўзбекистоним!» шiori остида ўшатирилган Аёллар спорт фестивали туман босқичида маҳаллалардаги юзлаб уй бекалари фаол иштирок этиб, спортнинг 7 тури бўйича ўзаро беллашдилар. Голиблардан ташкил топган туман тарма жамоаси фестивалнинг виллоят босқичида ҳам ёмон натижага эришмади: «Энг шиддатли жамоа» номинацияси бўйича совриндор бўлди.

— Мен дарст спорт тури бўйича мусобақада қатнашиб, шахсий ҳисобда биринчи ўринни қўлга киритдим, — дейди Хўжа Пешку қишлоғилик Майрам Шодиева. — Соғлом, гўзал, бардам бўламан, деган аёл албатта спортни ўзига ҳамроҳ билиши керак. Ёшим 50 дан ошган бўлса-да, қишлоғимиздаги бир гуруҳ хотин-қизлар қатори спорт машғулотларига мунтазам қатнашаман.

Яқинда касабаси уюшмаси ташкилотлари ташаббуси билан ўтказилган велопедагог мусобақаларида 50 нафарга яқин қишлоқ жойларида яшаб, меҳ-

нат қилаётган хотин-қизлар ўз маҳоратларини синнаб кўришди. 3 километр масофага уюштирилган беллашув «Богимусо» маҳалласи жамоасининг ғалабаси билан якун топди.

КўНГИЛЛИ ҲОРДИК

меҳнат қобилиятини тиклашда муҳим оми

— Аёл зиммасидаги вазифалар қўламини кенг, — дейди Агрисаноат мажмуи ходимлари касабаси уюшмаси туман кенгаши раиси Рухилло Шарипов. — Уй-рўзгор юмушлари, бола парварлиши, меҳнат фаолияти уни беҳад толиқтиради ва табиийки, аёл кўнгилли ҳордиқ чиқаришга эҳтиёж сезади. Жорий йилнинг ўтган даврида агрисаноат мажмуи тизимида ишловчи ходимлардан 20 кишига дам олиш уйлари ва санаторийларга йўлланма берилган бўлса, шундан 6 нафари аёллардир.

Туман қишлоқ хўжалик касб-хунар коллежи ходимаси Маҳлиё Омонова 3 нафар фарзанднинг онаси. Кейинги пайтларда тез-тез бош оғриғи безовта қилиб, асаб тизими заифлашгани маълум бўлди. Коллеж бошланғич касабаси уюшмаси ташкилоти унинг мурожаатига жавобан «Чортоқ» санаторийсида даволаниш учун йўлланма беришга қарор қилди.

— Олган муолажаларим, тоғнинг тоза ҳавоси дардимга малҳам бўлиб, соғлигим сезиларли даражада яхшиланди, — дейди М.Омонова. — Биз, хотин-қизлар соғлигини муҳофазаси қилиш йўлида доимий ғамхўрлик ва эътибор кўрсатаётгани учун ҳукуматимизга, касабаси уюшмаси ташкилотларига ўз миннатдорлигини изҳор қиламан.

Меҳнат муҳофазаси кучайтирилади

№(1).

Меҳнат муҳофазаси қилиш қондаларининг бузилиши натижасида ташкилот ёки унинг тузилма бўлимлари фаолияти, ишлаб чиқаришларнинг (асбоб-ускуналар) тўхтатилиши ва бундай ташкилотлар фаолиятини тугатиш талаблари қайта кўриб чиқилди;

корхона ва ташкилотларда меҳнат муҳофазаси қилиш хизматининг вазифаларини амалга оширишда, иш жойларининг меҳнат шартлари бўйича аттестацияси ва иш жойларининг жароҳатлаш хавфини аниқлаш, ходимларни меҳнат муҳофазаси қилиш масалалари бўйича ўқитиш ва малакасини ошириш, меҳнат муҳофазаси қилиш аудитини ташкил этиш бўйича меҳнат муҳофазаси қилиш соҳасида хизматлар бозорининг профессионал иштирокчиси тушунчаси киритилди;

касбий хавф бўйича хатари паст ташкилотлар ҳамда меҳнат муҳофазаси қилиш хизматини ташкил этишга имкониятлари етмаган кичик корхоналарда (ходимлар сони эллик нафардан кам бўлган ташкилотларда) ушбу хизмат вазифаларини бажариш учун аутсорсинг асосида меҳнат муҳофазаси қилиш соҳасида хизматлар бозорининг профессионал иштирокчиларини (мазкур соҳада фаолият юритадиган тадбиркорларни) жалб қилиш назарда тутилган;

ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ҳодисалар ва касб касалликлари ҳамда ишлаб



чиқаришдаги бахтсиз ҳодисаларни тугатишда орқича харажатларнинг олдини олиш ва ташкилотларда меҳнат муҳофазаси қилиш тўғрисида ташкил этиш мақсадида ташкилотлар томонидан иштирокчиларни бажариш учун аутсорсинг асосида меҳнат муҳофазаси қилиш соҳасида хизматлар бозорининг профессионал иштирокчиларини (мазкур соҳада фаолият юритадиган тадбиркорларни) жалб қилиш назарда тутилган;

меҳнат муҳофазаси қилиш соҳасида қарорлар, иш берувчи ва ходимларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари белгилаб олинди; ходимларнинг айрим тоифалари, аёллар, вояга етмаган ва меҳнат қобилияти чеklangан шахслар учун меҳнат муҳофазаси қилиш соҳасидаги муносабатларни тартибга солишни ўзига хос хусусиятлари белгиланди;

меҳнат муҳофазаси қилиш соҳасида давлат назорати, меҳнат шартларининг давлат экспертизаси, меҳнат хавфсизлиги ва меҳнат муҳофазаси қилиш ҳолатларининг мониторингини тушунчалари киритилди ҳамда мах-

сус ваколатли давлат органининг қўрсатмалари белгиланган муддатларда бажарилиши таъминламаган ёки ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ҳодисалар ва касб касаллигини ўз вақтида махсус текширишни ташкил этимаган, шунингдек, ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ҳодисалар ва касб касалликларининг келиб чиқиш ҳолатларини яширишда айбдор бўлган шахслар Ўзбекистон Республикаси қонунларида белгиланган тартибда жавобгарликка тортилиши юзасидан нормалар киритилди;

юрidik шахснинг тугатилишида етказилган зарар учун ташкилотнинг жавоб-

гарлиги нормалари қўрсатилди;

меҳнат муҳофазаси қилишда доир қонунлар ва бошқа меъёрий ҳужжатларга риоя этилиши устидан жамоатчилик назорати тартиби қайта кўриб чиқилди ва касба уюшмаларининг ходимлар меҳнат муҳофазаси қилиш борасидаги ҳуқуқлари кенгайтирилди.

Этироф этиш керакки, қонун жорий йилнинг 22 декабр кунидан кучга киради ва у:

меҳнат муҳофазаси қилишнинг республика, тармоқ ва ҳудуд даражасида самарали ва тўғри ташкил этилишини таъминлайди;

меҳнат муҳофазаси қилиш талабларини бажаришда иш берувчи билан бирга ходимнинг ҳам масъулиятини оширади;

меҳнат муҳофазаси қилиш соҳасида давлат назорат органларининг аралашувисиз, тегишли тадбирларни тўғри ташкил қилишда иш берувчининг қизиқишини оширади;

касб касалликлари ва ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ҳодисаларнинг олдини олиши ва камайитирилиши ташкилотнинг иқтисодий ўсишига сабаб бўлади ҳамда ходимлар, жумладан, вояга етмаганларнинг ижтимоий ҳимояси мустаҳкамлашига хисса қўшади.

Бир сўз билан айтганда, мазкур қонун республикада кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик ривожини, ишлаб чиқаришлар замонавий техника ва илгор технологиялар билан таъминлашни, кичик бизнесга янада кўп сонли меҳнат ресурслари жалб этилиши натижасида талаб даражасида меҳнат хавфсизлиги шартларини яратиш, меҳнат унвудорлигини оширишда муҳим омили бўлиб хизмат қилади.

Назир СОБИРОВ,
Олий Мажлис
Қонунчилик палатаси
депутати



Робот-катер

Голландиялик олимлар ҳайдовчисиз катер (кичик сиймилли кема)лар имкониятини ўрганишга қаратилган 5 йиллик тадқиқот дастурини тақдим қилдилар.



Деярли тўртдан бир қисми сув билан қопланган Амстердамда ҳайдовчисиз машиналарга қизиқишмайди. Бироқ робот-катерлар Голландия пойтахти учун анчагина истиқболли транспорт тури ҳисобланади, дея таъкидламоқда The Verge.

Roboat деб номланган тадқиқот дастури АКШнинг Массачусетс технология институтини ва икки голланд университети олимлари томонидан олиб борилмоқда. Дастурнинг нархи 25 млн. еврони ташкил қилади. Олимлар ҳайдовчисиз катер прототипини 2017 йилда намойиш қилишга ваъда бермоқдалар. Бундай сузувчи транспорт воситалари нафақат такси ва юк кемалари сифатида, балки тизиг вақтда мобил кўприклар сифатида ҳам хизмат қилиши мумкин.


Бир неча соат ичида йиғиб-бўлакнайдиган кўприклар каби шаҳарнинг ҳаракатчан сузувчи инфратузилмасини яратиш ҳақида ўйлаш лозим, — деб айтди тадқиқот дастури раҳбари Карло Ратти.

Тадқиқотчиларнинг фикрича, ҳайдовчисиз катерлар, шунингдек, Амстердамдаги сув ва ҳаво сифати ҳақида маълумотларни олиш ва йилга тахминан 12 миң велосипед ташланадиган каналларни тозалашда асқотиши мумкин.

«Ўлмас» батарея

Батареяларнинг сиймдорлиги билан мактаб оладиган телефон ва смартфонлар жуда кўп, бироқ улар қувватни ўзида узоқ сақлай олмайдди. Philips бундай телефонлар ўрнига 139 кун қувватлашсиз ишлаш оладиган Xenium E570 телефонини тақдим қилди.

Philips Xeniumнинг батареяси сийми 3160 мА-соатни ташкил қилиб, бу смартфонларники билан қиёслаганда унча катта қўрсаткич эмас. Оммавий моделларнинг аккумуляторлари уларга кўп қувват кетса ҳам, баъзида сийми камроқ бўлади.



Компания мутахассисларининг таъкидлашича, Philips Xenium E570 кутиш режимида 4,6 ой қайта қувватлашсиз ишлаш олади. Суҳбат режимида эса телефон 48 соатгина ишлайди. Бундан ташқари, телефон батареясида бошқа қурilmаларни ҳам қувватлаш мумкин.

Вулқон тубидаги жонзотлар

Америкалик тадқиқотчиларнинг Гаваии ороллари яқинидаги Кук сувости вулконида уч ўринли субмари-нада уюштирилган экспедицияси бир неча кашфиётларга сабаб бўлди. Бу ҳақда «Корреспондент.нет» хабар тарқатди.



Тўрт километр чуқурликдаги сувости вулконида уюштирилган экспедиция давомида олимлар баҳайбат суғичларга эга бўлган саккизоёқларнинг янги турини аниқлади. Шунингдек, бинафшаранг маржонларнинг янги тури топилди.


Тадқиқотчилар вулқон тубида фанга номалум яна кўплат жониворлар бўлиши мумкинлигини таъкидлашапти. Гап ёруғликка эҳтиёж сезмайдиган организмлар ҳақида кетмоқда.

Америкалик олимлар Гаваии ороллари атрофида жойлашган яна 50 та сувости вулконида экспедициялар уюштиришни режалаштирмоқда.

Кўёшдан қувват олувчи машина

Австралиянинг Cleenergy Team Atrow компанияси кўёш батареясида қувват олувчи пойма машинаси прототипини ишлаб чиқди. Фирма раҳбарияти бу машинанинг серияли русумини конвейерга қўйишни режалаштирмоқда.

Модел Atrow STF деб номланган. Унинг илк намойиши 8-15 октябр кунлари Австралияда ташкил этиладиган 3000 километрик World Solar Challenge марафонида бўлиб ўтади. Унда фақат кўёш батареясида қувватланувчи машиналаргина қатнаша олади.



Atrow STF моделига икита электр двигател ўрнатилган бўлиб, уларнинг от кучига ойдинлик киритилмаган. Моторлар ҳаракатланиш учун қувватни кўёш батареялари энергиясини тўловчи литий-ион аккумуляторидан олади. Автомобилга ўрнатилган кўёш элементлари майдони 5 метр квадратни ташкил этади.

Atrow STF машинаси шаҳар шароитида миң километрдан ортиқроқ масофани босиб ўта олади. Магистрал йўллардаги тезликда ҳаракатланса, 300-400 км. масофани ортада қолдиради. Зарурат бўлганда, ҳужалик электр тармоғидан ҳам қувватланиши мумкин. Ишлаб чиқарувчининг таъкидлашича, STF моделининг аэродинамик самарадорлиги ҳозирда мавжуд автотомобилларникидан юқорида.

Интернет материаллари асосида Малика НУРИДДИНОВА тайёрлади.

Орамиздаги одамлар

Умидингни сўндирма, Юлдуз!


Юлдуз Эгамқуловани илк бор қўрганимда унинг ногиронлигини сезмадим ҳам. Чунки у ишлаётган Оқори Чирчиқ туманидаги «Magik Golden» хусусий корхонасига кириб борганимда қўли-қўлига тегмай миҳозларга хизмат кўрсатарди. Унинг очикўнгиллиги, ширин муомаласи диққатимни тортиди. Бир маҳал у ўтирган хона бурчагидаги ногиронлар аравачасига кўзим тушди-ю, ичимдан алланарса қўрт этиб узилгандек бўлди. Қиз ҳам кўнглимдан ўтаётганларни дарров илгиди чоғи, ўткир нигоҳлари билан менга юзланди.

— Ҳа ака, ҳар кун ана шу аравачада ишга келиб кетаман. Ёшим йигирма иккида. Оқовул қишлоқ фуқаролар йиғини «Чумчуқар» маҳалласида дунёга келганман. Отам олти ёшлигимда вафот этган. Уни яхши эслолмайман ҳам. Ҳозир онам ва акам билан бирга яшаймиз. Туғилганимда соғлом бўлган эканман, ҳатто 4 синфга ҳам ўзим мактабга юриб бориб ўқиганман. Аммо бир кун оёқларимда оғриқ турди. Балки, шамоллагандир, деб унчалик эътибор берма-

дим. Лекин кундан-кун оғриқ кучайиб, қадам босишга қийнала бошладим. Кейин эса... Онам мени шифокорларга олиб бориб кўрсатди. Улар қанча ҳаракат қилишмасин, аввалгидек юриб кетишимнинг иложи топилмади. Онам яқинларимизнинг маслаҳатида кулоқ тутди. Умид билан табибларга олиб борди. Минг афсус, улардан ҳам нажот бўлмади. Мен ногиронлар аравачасига миҳлианиб қолдим. Шундай бўлса-да умидимни сўндирмадим. Уй шароитида ўқимини давом эттирдим. Ўзим ўқиган 39-умумий ўрта таълим мактаб жамоаси менга барча шарт-шароитларни яратиб берди. Устозларим Шарофат ва Нодира опалар мактабдан бўш вақтларда уйга келиб таълим беришди. Уларнинг беиннат ёрдамлари, қимматли маслаҳатлари сабаб 9-синфини тамомладим. Бунинг учун улардан бир умрга миннатдорман. Аммо коллежда ўқиш насиб қилмади. Бундан тушунликка тушмадим. Маҳалламизда яшовчи ти-

куччи аёл Мавлуда опага шогирд тушдим. Улардан тикиш-бичиш сирларини кунт билан ўргандим. Кейин маҳалламиздаги аёллар, келинчалар, қизлар ва болажонлар учун кийим-кечаклар тика бошладим. Яқин дугоналарим тез-тез мендан хабар олиб туришадди. Адабийётга қизиқаман. Абдулла Қодирий, Гафур Ғулом, Абдулла Қаҳҳор, Ойбек, Эркин Вохидов, Абдулла Орипов, Ўткир Хошимовларнинг асарларини қизиқиб ўқийман.

Юлдузхон бир зум сукутга чўмди. Сўнг марҳум Мухаммад Юсуфининг «Сурат» шеърини ўқиб берди. — Уйда таълим олаётганимда туман ҳокимияти, «Маҳалла» хайрия жамоат фонди компьютер жамламаси совға қилган эди. Ушунда роса қувонгандим, — дея гапини давом эттирди у. — Компьютерда ёзишни ўргандим, савий-ҳаракатларим ўз самарасини берди. Яхши одамларнинг тавсияси билан «Magik Golden» хусусий корхонасига ишга кирдим. Юлдуз Эгамқулованин иш жараёни-



Лавҳа

Тумандаги 403 та фермер хўжалигида 4180 нафар хотин-қиз меҳнат қилади. Уларга қулай ишлаш шароитлари яратиш, ҳужалик билан тузилган жамоа шартномаси талаблари нечоғлик бажарилаётганини назорат қилиш касабга уюшма қўмитасининг доимий диққат марказида. Қўмитанингу шу йил феврал ойида бўлиб ўтган йиғилишида «Зандани» қишлоқ фуқаролар йиғини ҳудудида жойлашган 36 та фермер хўжалиги фаолияти таҳлил этилганда улардан бештасида техника хавфсизлиги қондаларига тўлиқ амал қилинмаётганлиги, ишловчи аёлларнинг самарали меҳнат қилиши учун шарт-шароитлар етарли эмаслиги танқид қилиб ўтилди ва тегишли чора-тадбирлар белгиланиб, аҳвол ўнгланди.

ҚИЗ БОЛАННИНГ БАХТИ

Қизлар — бўлажак она. Зеро, рисоладагидай уй бекаси бўлиб етишилари учун уларни ҳозирданоқ мустақил ҳаётга тайёрлаб бориш лозим. — Қизларимиз қўрилажак оила масъулиятини ҳис қилиб боришлари учун улар орасида тарғибот-ташвиқот ишларини кучайтириш тақозо этилади, — дейди «Маҳалла» хайрия жамоат фонди туман бўлими боси мутахассиси Нигора Гулбоева. — Биз бугун мактаб, коллеж ва маҳаллаларда «Сиз оила қуришга тайёрми?» ва «Бахт — бойликми?», «Оиланингу олтин қўргони», «Ишқ бошқа, ҳавас бошқа», «Хунарли хор бўлмас» мавзуларида ўтказаяётган суҳбатларимиз қизларда катта қизиқиш уй-

ғотмоқда. Тадбирда қатнашган шифокор, психолог, педагоглар қизларнинг саволларига ҳаётий мисоллар асосида зарур тушунчаларни беришди. Қариндошлар орасидаги никоҳнинг салбий оқибатлари, эрта никоҳнинг зарари, тиббий қўриқнинг аҳамияти ҳақидаги суҳбатлар қизларни мустақил ҳаётга тайёрлашда муҳим омил бўлмоқда.

ҚАРИНДОШ... ҚОНДОШ

Йил бошидан бери туманда 2169 нафар чақалоқ дунёга келди. Афсуски, она қорнидагида ва туғруқдан сўнг нобуд бўлгани бор. Бу каби нохушлик сабаблари чўқур ўрганилиб, таҳлил қилинганда шу нарса аён бўлдики, оналарнинг ўз соғлиқларига эътиборсизликлари, яъни тўғри овқатланмаслиги, оиладаги турли асабузарликлар, касаллик аломатлари сезилганда зудлик билан врачга мурожаат қилмаслик, шифокор кўригига бормаслик ёки даволанишни орқага суршиш оқибатида рўй бериши маълум бўлди.

— Яқин қариндоши — ҳолавачасига турмушга чиққан жувон яқинда фарзанд кўрди, — дейди туман тиббиёт бирлашмаси туғруқ бўлими мудири Олим Ҳотамов. — Текширишлар чоғида боланингу юрагида туғма нуқсон борлиги аниқланди. Бу оғир хасталик туфайли гўдак кўп ўтмай нобуд бўлди. Энг ёмони, бундай кўнгилсизлик олдин ҳам юз берганлигидир. Ота-она, қариндошлар қанчалик афсус-надомат чекишмасин, энди кеч.

Тумандаги туғиш ёшидаги 30110 нафар аёл тиббий қўриқдан ўтказилганда улардан 5074 на-

фарида экстрагенитал хасталиклар мавжудлиги аниқланди ва тегишли муолажалар белгиланди. Табиийки, бундай жараён масалага янада жиддийроқ ёндашишни тақозо қилади.

УЗОҚҚА ҚАТНАШГА ҲОЖАТ ЙЎҚ

Аниқланган касалликларни даволаш учун бир пайтлар қишлоқ аёллари кўпинча вилоят марказидаги тиббиёт муассасаларига юборилар эди. Эндиликда бунга ҳожат қолмади. Чунки аниқ ташхисни шу ерда — қишлоқ врачлик пунктлари қошидаги таҳлилхоналарда ҳам бемалол бажариш мумкин. 18 та КВП нинг барчасида ЭКГ аппарати, қондаги гемоглабин миқдорини белгилайдиган ФЭК, гепатитни аниқлашда қўлланаладиган АЛТ, АСТ ва бошқа тиббий ускуналар мавжуд. Қолаверса, 2013 йилда туман марказий шифохонаси «Инвестиция» дастурига мувофиқ қиймати 7,5 миллиард сўмлик лойиҳа асосида жорий ва капитал реконструкция қилинди.

Буларнинг бари юртимизда инсон саломатлиги, айниқса, хотин-қизлар ва болалар соғлиги давлат муҳофазасига олингани, инсон омилига гамжўрлик ниҳоятда катта эканидан далолатдир. Бир сўз билан айтганда, Бухоро вилоти марказидан қарийб 40 километр узоқликда жойлашган, бир томони чўл-бийбонга туташ Пешку туманида «Соғлом она ва бола йили» Давлат дастури бажарилиши учун барча мутасадди ташкилотлар бор имкониятларидан фойдаланишяпти.

Зухра ҚУРБОНОВА,
журналист

ОМОН БЎЛИНГ, МУШТАРИЙ

Истиқлол гунчалари

Истеъдод намоиши

Ўзбекистон касба уюшмалари Федерацияси ташаббуси билан ёш авлодни санъатга жалб этиш, уларда Ватанга муҳаббат, миллий ва маданий анъаналарга ҳурмат туйғуларини шакллантириш, маданият муассасаларида фаолият юритаётган болалар бадий жамоаларидаги иқтидорларни аниқлаш ва қўллаб-қувватлаш, «Соғлом она ва бола йили» дастурида белгиланган тадбирларни амалга ошириш каби эзгу мақсадларни қўллаб ўтказиладиган «Истиқлол гунчалари» санъат фестивали қизгин паллага кириб бормоқда.

Сирдарё туманидаги 10-болалар мусика ва санъат мактабида фестивалнинг туман босқичи бўлиб ўтди. Корхона ва ташкилотлар маданият саройлари ҳамда жойлардаги маданият ва аҳоли дам олиш марказларида фаолият юритувчи болалар бадий жамоалари катнашчилари ўз маҳоратини намоиши этишди. Томошабинлар жажжи истеъдодларнинг турли чолғуларда моҳирлик билан куй ижро этиб, миллий либосда жозибали рақс тушишга тасаннолар айтишди. 16 нафар ёш санъатсеварнинг анъанавий ижрочилиги, эстрада кўшиқчилиги, яққа ва ансамбл чолғу ижрочилиги, яққа ва жамоа рақси ижрочилиги каби турлар бўйича иқтидори мутахассислар томонидан баҳоланди.

Анъанавий ижрочилик йўналиши бўйича Бахт маданият ва аҳоли дам олиш маркази ўқувчиси Дониёр Эгамқулов, эстрада кўшиқчилиги йўналишида «Малик» маданият ва аҳоли дам олиш маркази вакили Жасурбек Орти-

ков, яққа ва ансамбл чолғу ижрочилигида «Истиқлол» маданият ва аҳоли дам олиш маркази вакили Самандар Исмаилов, яққа ва жамоа рақси ижрочилигида «Истиқлол» маданият ва аҳоли дам олиш маркази вакили Дилрабо Мирзаиева маҳорати ҳакамлар томонидан юқори баҳоланди. Голдлар энди фестивалнинг вилоят босқичида иштирок этишди.

Озода МАМАДАЛИЕВА,
«Ishonch» мухбири

Таълим, фан ва маданият ходимлари касба уюшмаси Окдара туман кенгаши томонидан 7-болалар мусика ва санъат мактабида «Истиқлол гунчалари» санъат фестивалнинг худудий босқичи ўтказилди. 7 ёшдан 16 ёшгача бўлган 80 га яқин ёш истеъдодли қамраб олган танловда анъанавий ижро-

чилик, эстрада кўшиқчилиги, яққа ва ансамбл чолғу ижрочилиги, яққа ва жамоа рақси ижрочилиги йўналишлари бўйича голиблар аниқланди. Улар эндиликда вилоят босқичида маҳоратини намойён этиб, туманимиз шарафини ҳимоя қилади.

Тадбир сўнггида голибларга фахрий ёрлик ва қимматбаҳо совғалар тақдим этилди.

А. МАННОНОВ,
туман кенгаши ходими

Таълим, фан ва маданият ходимлари касба уюшмаси Косон туман кенгаши



Спорт янгиликлари

ТЕННИС

Ясминанинг ғалабаси

Туркменистон пойтахти Ашхобод шаҳрида теннис бўйича ўсмирлар ўртасидаги нуфузли турнир ўз якунига етди.

Кувонарлиси, мусобақада биринчи рақам остида ҳаракат қилган ҳамюртимиз Ясмина Каримжоновна турнир голибасига айланди. Теннисчимиз ҳал қилувчи баҳсда турнирнинг еттинчи ракеткаси, украиналик Полина Губинани мағлуб этди.



Биринчи сет 6:4 ҳисобида ҳамюртимиз фойдасига ҳал бўлди. Иккинчи сетнинг бешинчи геймидан сўнг Губина баҳсни давом эттира олмаслигини маълум қилди. Бу пайтга келиб Ясмина 4:1 ҳисобида олдинда бораётган эди.

ДЗЮДО

Сухроб — совриндор

Хорватиянинг Загреб шаҳрида ташкил этилган дзюдо бўйича Гран-при туркумига кирувчи турнирда терма жамоамиз аъзоси Сухроб Турсунов ўзининг нималарга қодир эканлигини исботлай билди. 73 кг. вазн тоифасида татамига чиққан ҳамюртимиз нуфузли мусобақанинг бронза медалига сазовор бўлди.



Сухроб аввалига сербиялик Любица Ковачевич, кейин черногогориялик Никола Гусични мағлубиятга учратди. Чорак финалда шведиялик полвонга ютказиб қўйган полвонимиз ўтиш баҳсларида қатнашди.

Дастлаб америкалик Александр Турнерни таслим этган дзюдочимиз кейин бронза медали учун кенган учрашувда косоволик Акил Гжаковадан устун келди. Бу терма жамоамизнинг Загреб Гран-присидаги ягона медалидир.

БОКС

Хуршидбекнинг навбатдаги зафари

Фаолиятини профессионал боксда давом эттиришга қарор қилган Хуршидбек Норматов навбатдаги жангида ғалабага эришди.



Ҳамюртимиз АҚШнинг Оклахома штати Майами шаҳрида ташкил этилган бокс оқшомида навбатдаги жангини ўтказди. Buffalo Run Casino аренасида бўлиб ўтган жангда Норматов рақиби америкалик Бернард Томасни иккинчи раунддаёқ нокаутга учратди. Бу унинг иккинчи ғалабасидир. Хуршидбек дебют жангида яна бир АҚШ вакили Ромон Барберни таслим этган эди.

СУЗИШ

«Сув парилари»

Пойтахтимизда синхрон сузиш бўйича «Сув париси» халқаро турнири якунланди. Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, Миллий олимпия қўмитаси ҳамда Ўзбекистон сузиш федерацияси томонидан ўтказилган мусобақада унга яқин давлатдан юздан ортиқ спортчи қиз голиблик учун кураш олиб борди.



Мусобақада спортчилар уч ёш тоифасида (16-18 ёш, 13-15 ёш, 12 ёш ва ундан кичик) соло, дует ва гуруҳ баҳсларида ўз маҳоратини намоиш этди. Соло баҳсларида вакилларимиз — Зиеда Тошхўжаева, дует баҳсларида Анастасия Рўзметова ва Гулсанам Йўлдошева жуфтлиги ўз ёш тоифасидаги мусобақаларда ғалаба қозонди. Гуруҳ баҳсларида эса Тошкент шаҳри, Андижон ва Бухоро вилоятлари жамоалари шохсўпага кўтарилди.

Бундан ташқари, Россия, Беларусь, Украина, Венгрия, Словакия, Исроил ва ХҚДР спортчилари ҳам совринли ўринларини эгалладилар.

Адхам АРСЛОНОВ,
«Ishonch» мухбири

Ибрат



Таълим, спорт, санъат соҳаларида ёшларимиз эришадиган муваффақиятларда устозларнинг хиссаси катта. Ана шундай фидойилардан бири Маргилон шаҳридаги 1-умумтаълим мактабида 40 йил мобайнида ўғил-қизларга таълим-тарбия берган Дилбархон Ғофуровадир. Заҳматкаш педагог бугунги кунда ҳам жамоа ва шогирдлари эъзозиди.

Таълим жонқуяри

Мактабни аъло баҳоларга тугатган Дилбархон Фарғона давлат университети ўзбек тили ва адабиёти факултетини муваффақиятли тамомлаб, ўқитувчилик фаолиятини бошлади. Кўп ўтмай нафақат ўқитувчи, балки меҳрибон устоз, ташкилотчи, маънавият ва маърифат тарғиботчиси сифатида ном қозонди.

Муаллима кўп ўтмай шаҳар, вилоят, ҳатто республика миқёсидаги анжуманларда очик дарслари ва маърузалари билан кўзга ташлана бошлади. У таълим берган ўқувчилар республика фан олимпиадаларида фахрий ўринларни эгаллаб устозга олқиси олиб келди. Моҳир устоз нафақат чикқунча шаҳар муаллимларининг она тили ва адабиёти шўъбасини маҳорат билан бошқарди.

Дилбархон Ғофурованинг самарали меҳнатлари юксак баҳоланиб, олий тоифали методист ўқитувчи, «Халқ таълими аълочиси» нишонлари билан тақдирланди, 1995 йилда «Ўзбекистон халқ ўқитувчиси» унвонига сазовор бўлди.

Турмуш ўртоғи Мўсинжон ота билан уч фарзандни улғайтириб, элга қўшган Дилбархон опа ҳозирда 14 набера ва 4 эваранинг қуршовида роҳат-фароғатда кесалик гаштини сураётти. У «Иқбол» МФЙ фаоли сифатида, оилаларни мустаҳкамлаш, фаровонлигини оширишга муносиб хисса қўшаётти.

— Ҳаётимизнинг кундан-кун фаровон бўлиб бораётгани, мамлакатимиздаги бунёдкорлик, ободлик, тинчлик, осойишталик юртдошларим қатори менинг ҳам кўнгилмин кўтариб, келажакка бўлган ишончимни янада оширади, — дейди Дилбархон опа.

Муҳаммаджон МАҲМУДОВ,
меҳнат фахрийси

Уйғоқ фикр

Шукроналик ифодаси

Эрталаб иссиқ нон олиш учун кўчага чиқдим. Дўкон ҳали очилмаган, лекин эшиги ёнидаги яшиқларда таҳланган нонлар уюлиб ётибди. Энди ортга қайтмоқчи бўлиб тургандим, жамалакоч қизча келиб, яшиқнинг бир четига пул қистирди-да, иккита нон олиб, ортга қайтди. Ҳайрон қолганимни кўриб:

— Амаки, сиз ҳам нонга чиққан-мидингиз, — деб сўради.
— Ҳа, синглим, лекин сотувчиси йўқ экан, шунга...

— Сира тортинмасдан пулингиз-ни ташлаб, нонни бемалол олиб кетаверинг. Бу ерда ҳамма шундай қилади. Буни дўкон эгалари ҳам яқши билади. Келгач, нонни дўконга кириштириб қўйишди. Пулнинг чўғи-



РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

«Ko'chmas mulk savdo xizmati» МЧЖ Навоий вилоят филиали бошланғич баҳоси ошиб бориш тартибида ўтказиладиган аукцион савдосига таклиф этади!

«Ўзсаноатқурилиш Банки» АТБ Навоий минтақавий филиалининг 2016 йил 24 сентябрдаги 03/4086-сонли буюртманомасига асосан Навоий шаҳар, Х.Дўстлиги кўчаси 114-«А» уйда жойлашган, умумий майдони 79,0 кв.м., ишчи майдони 58,60 кв.м. бўлган 13-сонли 4 хонали хонадон (квартира). Бошланғич баҳоси — 120 190 504 сўм.

Аукцион савдоси 2016 йил 2 ноябр кuni соат 11:00 да Навоий ш. Жасорат кўчаси 24-уйда бўлиб ўтади. Аризаларни қабул қилишнинг охириги мuddати: 2016 йил 28 октябр кuni соат 18:00.

Мазкур савдода қатнашиш учун талабгорлардан аризалар расмий иш кунлари соат 10:00 дан 16:00 гача қабул қилинади (13:00 дан 14:00 гача тушлик вақти). Сотиб олган юридик ва жисмоний шахсларга 20 банк кuni ичида мажбуриятлар олиш тўғрисидаги олди-сотди шартномасини имзолаш мажбурияти юклатилади.

Буюртманомалар қабул қилинадиган манзил: Навоий вилояти, Навоий шаҳар, Жасорат кўчаси 24-уй. Тел: 0 (436) 22-4-15-61. Лицензия: RR-0001.

MUASSIS:
O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi
2007-yil 11-yanvarda O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0116-raqam bilan ro'yxatga olingan.

Bosh muharrir:
Jahongir Sharofboyev
Tahrir hay'ati:
Abdulaziz Abdullayev, To'iqin Teshaboyev, Eson Rajabov, Ulug'bek Jalimov, Farhod Xanapiyev, Ravshan Bedilov, Asror Ishanxodjayev, Muhabbat O'rmonbekova, Oksana Belousova, Timur Mamajonov (bosh muharrir o'rinbosari), Akmal Toshev

BO'LIMLAR:
Kasaba uyushmalari hayoti — 256-87-63
Husn va xalqaro hayot — 256-64-69
Milliy-ma'naviy qadriyatlar va sport — 256-82-79
Xatlar va muxbirlar bilan ishlash — 256-85-43
Reklama va e'lonlar — 256-87-73

HUUDLARDAGI MUXBIRLAR:
Qoraqalpog'iston Respublikasi — (+998-91) 268-92-32
Andijon — (+998-91) 475-23-60
Buxoro — (+998-93) 653-50-81
Jizzax — (+998-91) 943-67-44
Namangan — (+998-90) 260-50-77
Navoiy — (+998-93) 314-13-03
Samarqand — (+998-97) 915-50-87
Sirdaryo — (+998-90) 610-95-55
Surxondaryo — (+998-91) 233-69-07
Farg'ona — (+998-91) 141-27-70
Xorazm — (+998-90) 719-48-00
Qashqadaryo — (+998-91) 467-30-01